



Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ 9 ” мартдаги 135-сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомда:

а) 12-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“12. Давлат мактабгача таълим ташкилотида педагог ходимлар учун ҳафталик иш юкмасининг куйидаги миқдорлари белгиланади:

тил бўйича ўқитувчи – 18 соат;

ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог – 24 соат;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси, тарбиячи-методисти – 25 соат;

тарбиячи, тарбиячи-методист – 36 соат;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг ёрдамчи тарбиячиси – 36 соат;

жисмоний тарбия йўриқчиси – 30 соат;

муסיқа ходими, хореограф – 24 соат”;

б) илованинг матни куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

### “Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари МИҚДОРЛАРИ

#### I. Давлат мактабгача таълим тизими педагог ходимлари:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус (касб-хунар) маълумотли
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари методистлари, инспектор- методистлари	1 905 340	1 796 024	1 681 867	1 570 548	х

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус (касб-хунар) маълумотли
2.	Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг методистлари	1 754 102	1 590 760	1 489 903	1 391 628	х
3.	Олий маълумотли: тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, тил ўқитувчилари, ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, психологлар	2 095 874	1 975 627	1 850 054	1 727 603	х
4.	Мактабгача таълим ташкилоти ўқитувиси (3-банддагидан ташқари)	1 620 021	1 510 347	1 403 920	х	1 203 660
5.	Тарбиячи-методист, тарбиячи (олий маълумотли тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячиларидан ташқари)	1 510 347	1 403 920	1 301 738	1 203 660	1 111 444
6.	Муסיқа ходими, хореограф, барча ихтисосликлар йўриқчилари	1 329 081	1 222 677	1 120 510	1 023 015	930 302
7.	Олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотли тарбиячи ёрдамчиси	1 014 333				
8.	Олий, ўрта махсус, касб-хунар нопедагогик маълумотли ва умумий ўрта маълумотли тарбиячи ёрдамчиси	845 278				

## II. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ходимлари:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)		
		I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ
1.	Мудир	2 327 553	2 188 680	2 051 955
2.	Мудир ўринбосари, шўъба мудири	1 919 166	1 788 525	1 660 748
3.	Кадрлар бўйича мутахассис, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассис	1 107 135	1 022 197	1 022 197

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг гуруҳлари мактабгача таълим ташкилотлари сонидан келиб чиқиб, қуйидагича аниқланади:

41 ва ундан ортиқ мактабгача таълим ташкилотлари бўлганда – I гуруҳ;

21 – 40 мактабгача таълим ташкилотлари бўлганда – II гуруҳ;

20 тагача мактабгача таълим ташкилотлари бўлганда – III гуруҳ.



### III. Давлат мактабгача таълим ташкилоти мудирлари:

Т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)	
		I гуруҳ	II гуруҳ
1.	Мудир	1 782 700	1 661 382

**Изоҳ.** Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ оширилганда, мактабгача таълим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг буйруғи асосида тегишли миқдорларда оширилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2018 йил 6 мартдаги 180-сон қарори иловасининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

